

Иқтисодий қамал даври қаҳрамони



14:36 / 10.11.2024 1947

Қурайш мушриклари Ислом дини ёйилишининг олдини олиш мақсадида мусулмонларга қарши зулмларини кундан-кунга ошириб боришди. Улар рисолатнинг 7-йилида (милодий 617 йил), айниқса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари бўлмиш Бану Ҳошим ва Бану Мутталибга нисбатан кенг қамровли иқтисодий қамал қарорини қабул қилиб, бу қарор ёзилган битикни Каъба деворига осиб қўйишди. Уларнинг мақсади Бану Ҳошим ва Бану Мутталибни бутунлай йўқ қилиш эди. Бу қамал қаршисида Бану Ҳошим ва Бану Мутталиб бир жойга тўпландилар ва Макка шимолидаги Шиъби Абу Толиб (Абу Толиб маҳалласи) деган жойга кўчдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга энг яқин бўлган мусулмонлар яшайдиган маҳалла мушриклар томонидан қамал қилинган эди. Бу маҳаллага ҳар қандай озиқ-овқат олиб келиш тақиқланганди. Уч йил давом этган ушбу қамалда мусулмонлар оч ва ташна қолдирилди.

Болалар очликдан тинкаси қуриб, қичқирардилар.

Ўзининг саховати билан машҳур бўлган Хадича онамиз Исломдан олдинги даврларда ҳам турмуш ўртоғи бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насиҳатларига биноан муҳтожларга кўп-кўп ёрдам берарди. Хадича онамиз қамал остида қолган бу маҳаллада ҳеч қачон Пайғамбаримизни ёлғиз қолдирмади, бошқа мусулмонлар каби азоб чекди, мўмин-мусулмонлар билан биргаликда мардонавор курашиб, ўша қийин кунлардан ўтди, қамал қилинганларнинг эҳтиёжларини қондириш учун бор бойликларини сарфлади. Хадича онамиз билан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вақти-вақти билан ўзларини катта хавф остига қўйиб, қамалда қолганларга яширинча егулик ва ичимлик олиб боришарди.

«Миллионер саҳобалар» китобидан

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 март 03-07/1613-сонли хулосаси асосида тайёрланди.